
Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Исмоилов Набижон Шокиржонович

02.07.1974 йили Андижон вилояти, Жалолкудук туманида туғилган.



Маълумоти олий, 1997 йили Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтини (кундузги) саноати мажмуи иқтисодиёти ва уни бошқариш, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Андижон вилояти Хўжаобод тумани "Киров" номли "Агрокомплекс"га қарашли база ҳисобчиси лавозимида бошлаган. 1994-1998 йиллар Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокимлиги Молия бўлими - давлат даромадларини режалаштириш ва иқтисодий таҳлил қилиш бўйича иқтисодчиси, 1998-1999 йиллар Андижон вилояти Назорат-тафтиш бошқармаси - Жалақудуқ тумани бўйича 1-тоифали назоратчи-тафтишчиси, 1999-2005 йиллар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Андижон вилояти Назорат-тафтиш бошқармаси - 1-тоифали назоратчи-тафтишчиси, 2005-2008 йиллар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Андижон вилояти Назорат-тафтиш бошқармаси - Бюджет интизомига риоя қилишни назорат қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, 2008-2010 йиллар Андижон вилояти Хўжаобод тумани ҳокимлиги Молия бўлими мудири, 2010-2013 йиллар Андижон вилояти Андижон шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими мудири, 2013 йилдан ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.